

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.29.12.2018.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НОРМУРОДОВ БАХТИЁР АБДУЛЛАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН  
ТИОКОЛ ОЛИГОМЕРЛАР СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги  
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Нормуродов Бахтиёр Абдуллаевич  
Маҳаллий хомашёлар асосида модификацияланган  
тиокол олигомерлар синтези ва уларнинг қўлланилиши .....3

Нормуродов Бахтиёр Абдуллаевич  
Синтез модифицированных тиоколовых олигомеров  
на основе местного сырья и их применение .....21

Normurodov Bakhtiyor Abdullaevich  
Synthesis of modified thiokol oligomers based  
on local raw materials and their use .....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.29.12.2018.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НОРМУРОДОВ БАХТИЁР АБДУЛЛАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН  
ТНОКОЛ ОЛИГОМЕРЛАР СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги  
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD\Т1040 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ter-su.uz](http://www.ter-su.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида ([www.ziyo-net.uz](http://www.ziyo-net.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Тураев Хайит Худайназарович</b> кимё фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Икромов Абдувахоб</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Каримов Масъуд Убайдулла ўғли</b> техника фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Умумий ва ноорганик кимё институти</b>

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.29.12.2018.Т.78.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@u-mail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@u-mail.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Т. Джалилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф., академик

**С.З.Ходжамкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н, доц.

**Х.Ч. Мирзакулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё микёсида герметикловчи ва ҳимояловчи қопламалар ишлаб чиқишда полисульфид олигомерлар шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Бугунги кунда қурилишда қотувчи герметикларга бўлган талаб уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Қурилиш соҳасида полисульфид олигомерлар асосидаги герметикларга бўлган талабнинг улуши 70%. Бунинг сабаби уларнинг қотиш жараёнида инвариантлик қобилияти, мақбул физик-механик хоссалари, агрессив муҳитда турғунлиги ва вулканизаторларни ҳароратнинг кенг интервалида ишлатиш мумкинлигидир.

Бугунги кунда жаҳонда таркибида фосфор ва олтингугурт бўлган олигомерлар ҳамда полимер материаллар сифатини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда. Бу борада таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган функционал гуруҳли реакцион фаол олигомерлар маълум илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бунда таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган олигомерлардан юқори самарали герметиклар олиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бу олигомерларнинг синтез жараёнини, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини, шунингдек, қўллаш мумкин бўлган соҳаларини ўрганиш ва технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда, хусусан, таркибида азот, олтингугурт ва фосфор бўлган олигомерлар асосидаги комплекс физик-кимёвий ҳамда механик хоссаларга эга бўлган полимер материаллар ишлаб чиқариш, улардан қурилиш соҳасида фойдаланиш самарадорлигини оширишга маълум даражада хизмат қилади. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, таркибида азот, фосфор ва олтингугурт бўлган олигомерлардан фойдаланиб тиоколли герметикловчи материаллар олишнинг илмий асосларини яратишга эришилди ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий герметиклар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»<sup>1</sup> га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашёлар асосида герметикловчи материалларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 29 августдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

ПҚ-3246-сонли «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Каучуксимон полимер композициялар синтези ва модификациясини ривожлантириш бўйича W.Mazurek, A.G. Morits, E.M. Fettes, M. Takashi, J.W. Barber, Ch. Brun, M. Morigoika, Л.А. Аверко-Антонович, П.А. Кирпичников, Р.А. Смилова, В.С. Минкин, Р.А. Шляхтер, Ф.Б. Новосёлок, П.П. Суханов, М.В. Беренбаум, Ю.Н. Хакимуллин, Р.Р. Валеев, Т.Ю. Миракова, И.Э. Исмаев, А.Г. Ликумович, Л.П. Лабутин, Г.М. Рахматуллина, Р.Ш. Френкель, Д.С. Иоффе, М.А. Асқаров, А.Т. Джалилов, С.Н. Негматов, С.Ш. Рашидова, Т.М. Бабаев, Ф.Н. Нуркулов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Герметикловчи материаллар технологиясини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қурилиш ва саноат композитларининг самарадорлигини ошириш учун каучуксимон полимерларни модификациялашга қаратилган. Полимер конструкцияларнинг хизмат қилиш муддатини ошириш, уларнинг эксплуатацион сифатини яхшилаш қурилиш ва саноат конструкциялари сифатини ошириш вазифасини ҳал этиш билан узвий боғлиқ.

Шу билан бирга, индивидуал ва полифункционал таъсирга эга органик модификаторлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар герметикларнинг сифатини оширишнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Герметикларни модификациялаш герметиклар самарадорлигини оширишнинг анча осон ва қулай усули ҳисобланади ҳамда шу мақсадда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А 12-002 «Маҳаллий хомашёлар асосида синтетик каучуклар ва эпоксид смолалар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А 12-001 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги эпоксиполиуретанли қопламалар ишлаб чиқиш» (2015–2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар асосида модификацияланган тиокол олигомерлар синтези, қўлланилиши ва улар

асосида герметикловчи материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган янги юқори самарали олигомерлар синтезининг оптимал шароитини аниқлаш;

синтез қилинган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган олигомерларнинг тузилиши, физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўрганиш;

синтез қилинган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган олигомерларни тўйинмаган бирикмалар билан модификациялаш;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар асосида герметикловчи материаллар олиш;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар асосида олинган герметикловчи материалларнинг тадқиқоти ва уларни қўллаш самарадорлигини техник-иқтисодий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** натрий полисульфид, 3-хлор-1,2-эпоксипропан, 3-хлорпропандиол-1,2, 1,2-дихлорпропанол-3, карбамид, ортофосфат кислота, аммоний полифосфат, кротон альдегид, 2-аминоэтанол ва улар асосида синтез қилинган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар, герметиклар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган тиокол олигомерлар синтези, тиокол олигомерларни модификациялаш жараёнини, модификацияланган тиокол олигомерлар ва улар асосидаги герметикларнинг физик-кимёвий ҳамда физик-механик хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида ИҚ спектроскопия, дифференциал сканерловчи калориметрия, рентгенофазавий, энерго-дисперсион анализ ва сканерловчи электрон микроскопия (SEM-EDX) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган янги самарали модификацияланган тиокол олигомерлар олинган;

олинган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

синтез қилинган модификацияланган тиокол олигомерлар ва улар асосида олинган герметикларнинг тузилиши ва хоссалари аниқланган;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган тиокол олигомерларнинг физик-механик хоссаларининг яхшиланишига модификаторнинг таъсири исботланган;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерларнинг физик-механик хоссалари аниқланган;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар асосида герметикловчи таркиблар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар ишлаб чиқариш ва уларни полимер композицияларда қўллаш технологияси таклиф этилган;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар асосида атмосфера ва агрессив муҳитларда барқарор бўлган герметикловчи таркиблар ишлаб чиқилган;

синтез қилинган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар асосида тиокол герметиклар олишга техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, олинган моддаларни идентификациялашда замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (ИК, ДСК, РФА, SEM-EDX) ва кимёвий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги ва ишлаб чиқилган тиокол олигомерлар ҳамда улар асосида герметикларни олиш технологияси, уларнинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинган ҳамда ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган юқори самарали модификацияланган тиокол олигомерлар олиш усуллариининг ишлаб чиқилганлиги, синтезнинг оптимал шароити топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган саноат синовлари натижасида олинган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар герметиклар сифатида қўллаш мумкинлиги кўрсатилган. Таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган тиокол олигомерларни модификациялашнинг аниқланган қонуниятларидан янги юқори самарали тиокол олигомерларни олиш учун фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар олиш технологияси ва қўлланилиши бўйича олинган натижалар асосида:

тиокол олигомерларни синтез қилиш усулларида ОТ-Ф7-34-рақамли «Комплекс ҳосил қилувчи ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» мавзусидаги лойиҳада маҳаллий хомашёлар асосидаги таркибида азот, олтингугурт, фосфор бўлган олигомерлар синтезида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 февралдаги 89-03-663-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида самарали ионитлар олиш имконини берган;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган модификацияланган тиокол олигомерлар олиш технологияси «Ўзкимёсаноат» АЖ тасарруфидаги «Жиззах пластмасса» АЖнинг «2020-2021 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 5 апрелдаги 03-1880/К-сон маълумотномаси). Натижада

термик чидамли ва механик мустаҳкам полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қўшимчалар олиш имконини беради;

маҳаллий хомашёлар асосида олинган тиокол олигомерлар Термиз шахри, Ангор, Шеробод, Денов туманлари «Сув оқова» ташкилотлари оқова сув қувурларини ташқи таъсирлардан ҳимояловчи қоплама сифатида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 26 мартдаги 03-04/1-1481-сон маълумотномаси). Натижада оқова сув қувурларини герметиклаб ва ҳимояловчи қопламаларни қўллаб, улардан фойдаланиш муддатини ошириш ва четдан олиб келинаётган тиокол герметикларни маҳаллийлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Тиокол олигомерлар синтези ва улар асосидаги герметиклар**» деб номланган биринчи бобида таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган тиокол олигомерлар синтезининг физик-кимёвий асослари қиёсий таҳлил қилинган, шунингдек, тиокол олигомерлар асосидаги герметикловчи материаллар, уларни модификациялаш ва вулканизациялашга доир адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хомашёлар асосида тиокол олигомерлар синтези ва уларни тўйинмаган бирикмалар билан модификациялаш**» деб номланган иккинчи бобида натрий полисульфид, монохлоргидрин, карбамид аддукти асосида (НМК), натрий полисульфид, монохлоргидрин, таркибида металл бўлган аддукт асосида (НММ), натрий

полисульфид, монохлоргидрин, аммофос асосида (НМА), натрий полисульфид, дихлоргидрин, карбамид аддукти асосида (НДК), натрий полисульфид, дихлоргидрин, таркибида металл бўлган аддукт асосида (НДМ), натрий полисульфид, дихлоргидрин, аммофос асосида (НДА), натрий полисульфид, эпихлоргидрин, карбамид аддукти асосида (НЭК), натрий полисульфид, эпихлоргидрин, таркибида металл бўлган аддукт асосида (НЭМ), натрий полисульфид, эпихлоргидрин, аммофос асосидаги (НЭА) каби тиокол олигомерлар синтези, синтез қилинган тиокол олигомерларнинг кротон альдегид ва унинг тўйинмаган ҳосиласи билан модификациялаш ва олинган модификацияланган тиокол олигомерларни тадқиқ қилишга тайёрлаш, уларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, модификация жараёнининг тиокол олигомерларнинг физик-механик хоссаларига таъсирини асослаш, модификацияланган тиокол олигомерларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Маҳаллий хомашёлар асосида модификацияланган тиокол олигомерлар олиш жараёнининг тадқиқоти**» бўйича олинган натижаларнинг таҳлилига бағишланган. Бу бобда олинган модификацияланган тиокол олигомерларнинг асосий физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

НДА нинг ИҚ спектрида  $2850-1470\text{ см}^{-1}$  соҳаларда  $-\text{CH}_2-$  гуруҳлар учун хос бўлган ва  $1650\text{ см}^{-1}$  соҳада эркин ҳолатдаги  $-\text{OH}$  гуруҳларининг борлигини тасдиқловчи ютилиш чизиқлари мавжуд (1-расм). ИҚ спектрда  $3400\text{ см}^{-1}$  соҳада  $-\text{OH}$  гуруҳига ва  $3300-3440\text{ см}^{-1}$  соҳаларда эса аммоний  $-\text{NH}_4$  гуруҳига хос бўлган ютилиш чизиқлари мавжуд. Фаол гуруҳларнинг деформацион тебраниш чизиқлари кучли торайган ютилиш чизиқлари кўринишида  $-\text{CH}_2-\text{O}-$  гуруҳнинг  $1400-1465\text{ см}^{-1}$  соҳалардаги одатдаги деформацион тебраниш чизиқлари ўртасида кўринади.  $800$  ва  $1600\text{ см}^{-1}$  соҳалардаги ютилиш чизиқлари  $-\text{NH}_4$  гуруҳлар борлигидан далолат беради.




**1-расм. НДА маркали олигомернинг ИҚ-спектри**

Таркибида фосфор бўлган  $\text{P}=\text{O}$  ва  $\text{P}-\text{O}-\text{C}$  гуруҳларнинг борлигини  $1000-1180\text{ см}^{-1}$  соҳадаги ютилиш чизиқлар, таркибида олтингугурт бўлган гуруҳларни  $400-900\text{ см}^{-1}$ ,  $1040-1060\text{ см}^{-1}$  ва  $1100-900\text{ см}^{-1}$  соҳалардаги кенг


интенсив чизиклар тасдиқлайди. Бундан ташқари, ИҚ-спектрдаги 600-800  $\text{см}^{-1}$  ва 1460  $\text{см}^{-1}$  соҳалардаги тор кам интенсив чизиклар модда таркибида олтингугурт бўлган гуруҳлар борлигидан далолат беради. НДА нинг ИҚ спектридан кўриниб турибдики,  $-\text{CH}_2\text{-O}-$  гуруҳлар 1400-1440  $\text{см}^{-1}$  ва органик фосфатлар 1180-1150  $\text{см}^{-1}$  соҳаларда намоён бўлади.

НДА маркали олигомернинг термик хоссалари ДСК да тадқиқ қилинди. НДА намунаси массаси ҳарорат 207 °С гача ўзгармайди. 184 °С ҳароратда намунанинг суюқланишига мос бўлган битта эндотермик чўкқи кузатилади. 207 °С дан юқори ҳароратда намуна икки босқичда - 265°С гача 6%/мин тезликда ва 265°С дан юқори ҳароратда 2,5%/мин тезликда 73% умумий масса йўқотиш билан парчалана бошлайди. Парчаланиш реакцияси эндотермик бўлиб, парчаланишнинг умумий энергияси -302.7 Дж/г (2-расм).




**2-расм. НДА маркали олигомернинг ДСК маълумоти**

Сканерловчи электрон микроскопия ёрдамида олигомерлар намуналарнинг сирт тузилиши ва улар таркибидаги элементлар миқдори аниқланди. Намунани синовдан ўтказиш учун дастлаб тутқичга маҳкамланиб, намуна 5 нм гача олтин кукуни билан қопланди. Намуна сиртини олтин кукуни билан қоплашда QUORUM Q150 RS асбобидан фойдаланилди.




**3-расм. НДА маркали олигомернинг микротасвири**



**4-расм. НДА маркали олигомернинг EDX маълумотлари**


Микротузилиш тадқиқоти натижалари 3-расмда берилган. Расмдан кўриниб турибдики, 100 г тиоколга 5 г кротон альдегид кўшилганда, дисперс

фаза заррачаларининг ўлчами 0,1 мкм дан 0,5 мкм гача ортади. Бунда 100 г тиоколга 3 г кротон альдегид қўшилганда бундай самара кузатилмайди. Агар кротон альдегид билан дибутилфталат пластификатори қўшилса, таркибидаги модификацияловчи қўшимча миқдорига тўғри пропорционал равишда дисперс фаза заррачаларининг ўлчами сезиларлича ортади. 4-расмда олигомер таркибидаги углерод, кислород, олтингугурт, азот, фосфор, натрийнинг фоиз нисбатлари кўрсатилган. Юқорида келтирилган таҳлил натижалари асосида НДА маркали модификацияланган тиокол олигомерни олиш реакцияси схемасини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:



Тиокол герметикларни кротон альдегид ва унинг ҳосиласи билан модификациялаш. Суюқ тиоколларни тўйинмаган мономер ва олигомер типдаги бирикмалар билан модификациялаш истикболли бўлиб, бу нафақат шишага нисбатан адгезияни оширишга ёрдам беради, балки, янги хоссалар комплексига эга сополимер герметиклар олишга ҳам имкон беради. Кротон альдегид ва унинг таркибида азот бўлган ҳосиласидан фойдаланиш металл ҳамда шишага нисбатан адгезияни оширади. Кротон альдегиднинг тўйинмаган ҳосиласи бир вақтнинг ўзида пластификатор ролини ҳам бажаради ва вулканлаш жараёнида фаол қатнашади, шу билан бирга қотувчи

герметикларнинг мустаҳкамлик хоссаларини ёмонлаштирмайди. Қоидага кўра, герметикловчи пастага тиокол билан бир вақтда реакцион қобилиятли бирикма киритилса, бунда маълум вақт давомида унинг қовушқоқлигининг ортишига олиб келади ва кўлланишгача бўлган сақлаш муддатини қисқартиради.




Шунга кўра, биргаликда сақлаш шароитида тиоколнинг SH-гуруҳлари билан ўзаро таъсирлашмайдиган ва оксидловчи иштирокида тиоколнинг қотишида фаол қатнашадиган тўйинмаган бирикмаларни қидириш амалга оширилди. Буни тиокол SH-гуруҳларининг оксидланишини секинлаштириш имконини берувчи фрагментларни тўйинмаган бирикмалар таркибига киритиш орқали амалга ошириш мумкин. Ушбу мақсад учун тўйинмаган гуруҳларга эга бўлган кротон альдегидининг тўйинмаган ҳосилалари кўпроқ мос келади. Шу билан бирга, турли тузилишга эга тўйинмаган кротон ҳосилаларининг таркиби ва табиатига боғлиқ ҳолда уларнинг суюқ тиоколлар билан реакциясида модификатор сифатидаги самарадорлигини баҳолаш қизиқарли бўлади.

Тадқиқот учун таркибида 2,95% SH-гуруҳлари бўлган ва қовушқоқлиги 15,5 Па·с бўлган суюқ тиоколлардан фойдаланилди. Тўлдирувчи сифатида 80 масса қисм микдордаги микросферадан фойдаланилди. Суюқ тиоколларни қотириш қотирувчи - паста кўринишидаги марганец (IV) оксид билан амалга оширилди. Бунда герметикловчи ва қотирувчи пасталарнинг масса нисбати 100:10 ни ташкил қилди. Тўйинмаган бирикма сифатида кротон альдегид ва унинг турли молекуляр массали ва учларида карбонил гуруҳлари бўлган ҳосилаларидан фойдаланилди. Кротон альдегиднинг тўйинмаган бирикмаси герметикловчи паста таркибига 100 масса қисм тиоколга 0,3 дан 10 масса қисмгача қўшилди.

Келтирилган ҳамма тўйинмаган бирикмалардан фойдаланилганда ҳам герметикларнинг мустаҳкамлик хоссалари, дюрал ва шишага нисбатан адгезияси ортган, нисбий чўзилишининг камайиши кузатилган. Бу эса ўрганилган қўшимчалар таркибидаги қўшбоғлар сабабли суюқ тиоколлар билан қотиш реакциясида қатнашишидан далолат беради. Қотиш механизмида реакция радикал механизм бўйича боради ва ноорганик

пероксид (марганец (IV) оксид) ва амин (кротон альдегиднинг азометин таркибли ҳосиласи) билан иницирланиши аниқланди.

Кротон альдегид асосидаги тўйинмаган бирикманинг тузилишини куйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:



2,4,6-(трипропенил-1)- гексагидротриазин-1,3,5

Модификацияланган герметикларни қотириш нормал шароитда (20 °С, 7 кун) ва тезлаштирилган режимда (70 °С, 24 соат) амалга оширилади.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган тўйинмаган бирикмаларни киритиш яшовчанликнинг ортишига олиб келган.

1-жадвал


**Тўйинмаган бирикмалар билан модификацияланган тиокол герметикларнинг хоссалари**

Материал	Миқдори, мас.қ	Вақт, т, соат	Чўзилишдаги шартли мустаҳкамлик, $\sigma_p$ , МПа	Узилишдаги нисбий чўзилиш, $E_{нис}$ , %	Дюралга нисбатан адгезия, А, МПа
Назорат	0,0	0 <sup>50</sup>	0,95	287	0,53
	1,0	1 <sup>20</sup>	1,07	273	0,67
	2,0	1 <sup>55</sup>	1,33	248	0,80
	3,0	2 <sup>20</sup>	1,38	225	0,87
	5,0	3 <sup>45</sup>	1,34	208	0,93
Олигоэфиракрилатлар ТТМ-3 МГФ-9	5,0	2 <sup>00</sup>	0,82	55	0,77
	5,0	2 <sup>45</sup>	0,98	340	0,79
Кротон альдегид ҳосилалари	1,0	2 <sup>45</sup>	1,41	215	1,1
	2,0	3 <sup>10</sup>	1,47	172	1,13
	3,0	3 <sup>55</sup>	1,49	125	1,27
	4,0	5 <sup>20</sup>	1,59	82	1,38

Демак, шуни таъкидлаш керакки, олигоэфиракрилатлардан фойдаланилганда хоссаларнинг ортиши етарлича юқори бўлмайди. Кротон альдегид ҳосиласи адгезион ва деформацион-мустаҳкамлик хоссаларига кучлироқ таъсир кўрсатади. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, тўйинмаган бирикма миқдорининг ортиши натижасида молекуладаги имин функционал гуруҳлар миқдори ва яшовчанлик ортади. Яшовчанлик бўйича маълумотлардан аниқланганидек, тўйинмаган бирикманинг оз миқдорида кам қовушқоқ бирикмада юқори даражада секинлаштирувчи самара кузатилади. Буни кам қовушқоқ смола учун қотиш жараёнининг бошланғич босқичида диффузия жараёни анча интенсив кечади, натижада ҳосиладаги

учламчи азот атомлари функционал гуруҳларининг экранланиши кучаяди ва улар вулканизациянинг тезлаштирувчиси ҳисобланади.

Герметик таркибидаги азометин тутган кротон альдегид ҳосиласининг миқдори ортиши билан герметикнинг дюралга ва шишага нисбатан адгезияси ортади (1-жадвал). Бу ҳолат фаол тўйинмаган боғлар концентрациясининг ва смоладаги диффузиянинг ортиши, шунингдек герметик-дюрал ва герметик-шиша чегарасида мавжуд функционал гуруҳлар бўйича боғларнинг шаклланишида қўшбоғларнинг анча фаол қатнашиши билан боғлиқ. Тўйинмаган бирикмани киритиш герметикнинг физик-механик хоссаларига таъсир этади. Тўйинмаган бирикмалардаги функционал гуруҳлар миқдорининг ортиши тўйинмаганликнинг доимий қийматида чўзилишдаги шартли мустаҳкамликни  $\sigma_p$  оширади ва узилишдаги нисбий чўзилишни  $E_{нис}$  камайтиради (5-расм). Бу марганец (IV) оксид билан герметикнинг қотиш тезлигининг камайиши билан боғлиқ бўлиб, анча дефектли тўр ҳосил бўлади (кротон альдегиднинг тўйинмаган бирикмасининг миқдори 2,0 масса қисм бўлганда).



**5-расм. Туюқол герметиклар  $\sigma_p$  (1),  $E_{нис}$  (2) ва A (3) кўрсаткичларининг тўйинмаган бирикма (КАТХ) миқдорига боғлиқлиги**

Навбатдаги тадқиқотлар кротон альдегиднинг тўйинмаган ҳосиласидан (КАТХ) фойдаланиб ўтказилди. 5-расмда кўрсатилганидек, бундай тўйинмаган бирикмада 2,0-3,0 масса қисмгача киритилганда ўрганилган барча хоссаларнинг максимал ўзгариши кузатилади. Яшовчанлик ва адгезия ўзгариши ўзаро ўхшаш, бу кўрсаткичлар герметикдаги тўйинмаган бирикманинг миқдори 2 масса қисмдан ошиб бориши билан босқичма-босқич ортади. Демак смола миқдори 2 масса қисмдан кам бўлса, мустаҳкамлик сезиларсиз ўзгаради. Узилишдаги нисбий чўзилиш ҳатто кам миқдорда тўйинмаган ҳосила қўшилганда ҳам кескин камади.

Хоссалар ўзгаришининг келтирилган тавсифидан кўриниб турибдики, қотиш жараёнида кротон ҳосиласидаги тўйинмаган боғлар уч ўлчамли тузилишининг шаклланишида анча зич кимёвий тўр ҳосил қилиб боғланишда фаол иштирок этади. Туюқол герметиклардаги КАТХ нинг самарадорлигига нафақат унинг концентрацияси, балки унга киритилаётган аниқ тузилишли мономерлар қўшбоғларининг табиати ҳам таъсир этади.

Металл оксидлари билан қотувчи кротон альдегид асосида модификацияланган тиокол каучуклар асосидаги герметиклар. Кротон альдегид асосида модификацияланган тиокол герметиклар таркибида тўйинмаган боғлар мавжуд. Шунинг учун бу тиокол герметиклар ультрабинафша нурларга, озонга чидамлилиги, термик турғунлиги,  $-60^{\circ}\text{C}$  дан  $120^{\circ}\text{C}$  гача кенг ҳарорат интервалида ишлатиш мумкинлиги каби қатор афзалликларга эга. Кротон альдегид асосидаги тиоколлар амалда физик-механик кўрсаткичлари бўйича суяқ тиоколлар асосидаги таркиблардан анча устун ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, 2,4,6-(трипропенил-1)-гексагидротриазина-1,3,5 билан модификацияланган герметиклар суяқ тиоколлар асосидаги герметиклардан сув, бензин ва мойга чидамлилиги билан қолишмайди.

Металл оксидлари билан қотириладиган герметикларни олиш ва уларни ишлаб чиқаришнинг технологик ҳамда рецептуравий аспекти кўйидаги технологик қисмда келтирилган. Тиокол олигомерларнинг таркиби ва тузилиш ҳамда адгезияни яхшиловчи қўшимчалардан ташқари, вулканизатлар табиати, қўшиладиган тўлдирувчи миқдори ва табиати ҳам герметикларнинг эксплуатацион, физик-механик ва технологик, хоссаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Вулканизатлар табиатининг таъсири НДА маркали тиокол олигомери асосидаги герметиклар мисолида 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### НДА олигомери асосидаги модификацияланган тиокол герметиклар хоссаларининг вулканловчи агент турига боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	ZnO	Кумол гидропероксид	CaO	PbO <sub>2</sub>	MnO <sub>2</sub>
Нисбий чўзилиш, %	100-300	100-300	50-250	200-400	300-600
100 % чўзилишдаги модул., Мпа	0,1-0,6	0,2-0,5	0,1-0,25	0,1-0,4	0,1-0,8
Эластик тикланиш, %	50-70	70-85	50-70	70-80	80-95
Шор бўйича қаттиқлик А, у.е.	25-50	20-40	10-25	10-30	15-70

2-жадвалдан кўриниб турибдики, панеллараро ёриқлар ва шиша пакетларни герметиклаш сифатида қўлланиладиган тиокол композицияларни олиш учун вулканловчи агент сифатида марганец (IV) оксид кўпроқ мос келади. Натижада олинган тиокол композитлар юқори даражада эластик тикланиш даражасига ва ультрабинафша нурларга нисбатан чидамлиликка эга бўлади.

Тўлдирувчиларнинг модификацияланган тиокол герметикларнинг қотишиши ва хоссаларига таъсири. Модификацияланган тиокол герметикларга тўлдирувчиларни киритиш тўлдирилган тиокол полимерларнинг тузилиши шаклланиши жараёнида ҳаракатчанлигининг кинетик бирлигига, тузилишига, физик-кимёвий ва механик хусусиятларига, биринчи навбатда полимер-тўлдирувчи чегара қаватида тузилиш шаклланиш жараёнларига ва


кинетикасига шубҳасиз сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ҳақиқатдан ҳам фақат тўлдирилган шаклда қўлланиладиган полисульфид олигомерлар асосидаги герметиклар учун тегишли бўлиб, бунинг натижасида уларнинг хоссалари, асосан, деформацион мустаҳкамлиги яхшиланади. Тиоколларнинг физик-механик хоссаларини яхшилашда ва тўлдирувчи киритишда бевосита унинг қовушқоқлигининг ортиши содир бўлади. Бу эса олинган композицияларнинг технологик хоссаларининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Таъкидлаш керакки, қоидага кўра композицияларнинг физик-механик хоссаларини комплекс ўзгартириш кейинчалик кўрсаткичларнинг максимум ёмонлашишига олиб келади. Адабиётларда иссиқлик электр станцияларининг кулли қолдиқларини модификацияланган тиокол герметикларнинг технологик, физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига тўлдируви сифатидаги таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалда учрамайди. Суюқ тиоколлар асосидаги герметикларда ва тиол таркибли полиэфирлар асосидаги герметикларда содир бўладиган қотиш жараёнига кул қолдиқларининг тўлдирувчи сифатидаги таъсири ўрганилмаган. Шунга кўра Ангрен иссиқлик электр станцияси кул қолдиқларининг модификацияланган тиокол герметикларнинг технологик, физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, модификацияланган тиоколнинг суюқ тиоколга нисбатан марганец (IV) оксид билан оксидланиш реакциясидаги фаоллиги кам. Бундан кўриниб турибдики, модификацияланган тиокол тузилишидаги фарқ унинг қовушқоқлиги билан боғлиқ бўлиб, маълумки, суюқ тиокол таркибига ҳар доим кирувчи каталитик хусусиятли қўшимчалар (металл тузлари) ва олтингугурт қуйидагича содир бўладиган қотиш реакциясида иштирок этади ва уни юқори самара билан фаоллаштиради:




Кул чиқиндилари миқдорининг ортиб бориши билан ҳамма ҳолатларда қотирилган таркибларнинг узилиш вақтидаги шартли мустаҳкамлигининг ошишига олиб келади (6-расм), бунда суюқ тиоколлар асосидаги таркибларнинг мустаҳкамлиги модификацияланган тиоколларга нисбатан юқори (7-расм). Агар мустаҳкамлик босқич билан ошириб борилса, мос ҳолда суюқ тиоколлар, кул чиқиндилари ва бўр асосидаги системалар нисбий чўзилишининг камайиши қуйидаги қатор бўйича ўзгаради: бўр > кул шлаки > кул, модификацияланган тиокол асосидаги бундай системада эса: бўр > кул > кул шлаки қаторида камайдди. Кул шлаки миқдори 80-100 масса қисмгача бўлганда унинг табиатига боғлиқ бўлмасдан мустаҳкамликнинг кучли ўсиши кузатилади. Кучайиш самараси фарқини биринчи навбатда кул чиқиндилари ва бўр сиртининг модификацияланган тиоколга нисбатан адсорбцион фаоллиги билан боғлаш мумкин. Булардан кўриниб турибдики, турли

кўринишдаги кул чиқиндилари учун ўсиш самараси кул чиқиндиси-ПСО бўлими чегарасида ўзаро таъсирнинг ортиши билан боғлиқ.



**6-расм. Суюқ тиокол герметиклар  $\sigma_p$  (1,2,3) ва  $E_{отп.}$  (4,5,6) кўрсаткичларининг кул чиқиндилари табиати ва миқдорига боғлиқлиги: 1,4 – кул шлаки; 2,5 – кул; 3,6 – бўр**




**7-расм. Модификацияланган тиоколлар асосидаги герметиклар  $\sigma_p$  (1,2,3) ва  $E_{отп.}$  (4,5,6) кўрсаткичларининг кул чиқиндилари табиати ва миқдорига боғлиқлиги: 1,4 - кул шлаки; 2,5 - кул; 3,6 - бўр**

Заррача ўлчами қанчалик кичик бўлса ва герметикда тўлдирувчи қанчалик яхши тарқалса тўлдирувчи тиокол билан шунча кўп контактда бўлади. Бу эса физикавий таъсирни кучайтиради ва кўндаланг боғлар эффектив зичлигининг ортишини таъминлайди. Бўр таъсирида кучайиш эффективининг кам бўлишини бўр сиртида жойлашган модификатор (СЖК) олигомер билан тўлдирувчи ўртасидаги физикавий таъсир даражасини камайтириши билан тушунтириш мумкин. Табиий бўрнинг кам фаоллиги кўришиб турибдики, биринчи навбатда унинг кичик солиштирма сирти билан боғлиқ.

*Янги модификацияланган тиокол герметиклар олиш технологияси.* Ишлаб чиқилган модификацияланган тиокол олигомерлар асосида оқ ва тўқ рангли икки компонентли қурилиш герметикларини тайёрлашнинг оптимал шароитлари аниқланди. Панеллараро тирқишларга ва том ёпиш учун мўлжалланган тиокол герметиклар олиш технологияси ишлаб чиқилди ва уларнинг тажриба-лабораториясида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Республикамизда илмий-техник даража етарлича юқори бўлиб, Ўзбекистонда талаб жуда юқори бўлган синтетик каучуклар ишлаб чиқаришнинг йўқлигини ҳисобга олганда, биринчи навбатда Ўзбекистонда синтетик каучук ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, мамлакатда бутун тармоқнинг юқори даражада ривожланишига олиб келади. Таклиф этилаётган технология технологик тизимнинг соддалиги, жараённи одатдаги автоклав реакторларда енгил амалга ошириш мумкинлиги ва маҳаллий хомашё ресурслари билан таъминланганлиги билан аҳамиятга эга. Ушбу технологияни одатдаги реакторларда чўктириш, ювиш ва қуришиш жараёнлари билан осон амалга ошириш мумкин.

## Технологик схема



### 8-расм. Тиокол герметиклар олишнинг технологик схемаси:

1,2,3,7-дастлабки моддалар учун сиғим, 4-совиткич, 5- полимерлаш реактори, 6-насос, 8- тиокол олигомерларни модификациялаш реактори, 9-қуриткич

Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган хомашё ресурсларидан синтетик каучук олиш жараёни тадқиқ этилди. Полисульфид (тиокол) каучукни олиш натрий тетрасульфидни бисгалоид бирикма билан ўзаро таъсирлаштириб амалга оширилди. Сўнгра металл оксидлари билан вулканизациялаб, юқори герметиклик хоссаси,  $-70^{\circ}\text{C}$  дан  $160^{\circ}\text{C}$  ҳарорат интервалида чидамлилиги, юқори электроизоляция хоссалари билан фарқ қиладиган вулканизат олинди. Олинган синтетик каучуклардан авиацияда, автомобил, электроника саноатида, қурилишда ва саноатнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, полисульфид каучукларни синтез қилишнинг юқори самарали ва экологик ҳавфсиз усули ишлаб чиқилди. Полисульфид каучуклар синтетик каучуклар орасида анча арзон ва қулай каучуклар ҳисобланади, бироқ улар баъзи физик-кимёвий кўрсаткичлари билан бошқа синтетик каучуклардан пастроқ туради. Шу сабабли олинган каучуклар турли хил махсус резинатехник маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўллашга мўлжалланган.

Тиокол герметиклар юқори иссиқлик ва товуш изоляцияловчи кўрсаткичларга, яхши диэлектрик ҳамда амортизацион хоссаларга эга, чўзилишга юқори даражада чидамли, оксидланиш таъсирида эскиришга, мой ва эритувчилар таъсирига барқарор.

## ХУЛОСА

1. Маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор, олтингугурт ва металл бўлган НМК, НММ, НМА, НДК, НДМ, НДА, НЭК, НЭМ, НЭА маркали тиокол олигомерлар синтез қилинди, шунингдек, уларни кротон альдегид ва 2,4,6-(трипропенил-1)-гексагидротриазин-1,3,5 билан кимёвий модификациялаш тавсия этилди.

2. Янги тиокол олигомерларни синтез қилишда синтез жараёнига турли омиллар, жумладан, эритувчилар, ҳароратнинг, дастлабки моддалар нисбатларининг таъсири, шунингдек, замонавий юқори информацион анализ усуллари ёрдамида олигомерларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш натижасида комплекс хоссали тиокол олигомерлар олиш имконияти кўрсатиб берилди.

3. Рух оксидли тиокол герметиклар марганец (IV) оксидли тиокол герметикларга нисбатан бирмунча қуйи даражадаги термик ва релаксацион хусусиятларга эга эканлиги кўрсатилди. Олинган фаоллаштирувчи системалар ёрдамида тиокол олигомерларни вулканлаш жараёни механизми таклиф этилди ва юқори деформацион мустаҳкамлик ҳамда адгезион хоссаларга эга бўлган оқ рангли тиокол герметиклар олиш учун рух оксидини қўллаш тавсия этилди.

4. Кротон альдегид ва 2,4,6-(трипропенил-1)-гексагидротриазин-1,3,5 модификаторларининг герметиклар хоссаларига таъсири ҳамда олигомер макромолекуласини модификациялаш натижасида уларнинг турли хил адгезион фаол функционал гуруҳларга эга бўлиши кўрсатиб берилди.

5. Олинган НМК, НММ, НМА, НДК, НДМ, НДА, НЭК, НЭМ, НЭА маркали тиокол олигомерларнинг герметикловчи хоссалари синовдан ўтказилди. Ушбу маҳсулотларни хоссалари бўйича фойдаланиладиган чет эл аналоглари ўрнида қўллаш тавсия этилди.

6. Маҳаллий хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор, олтингугурт ва металл бўлган тиокол олигомерлар олиш технологияси ишлаб чиқилди ва «Qayum hoji servis» МЧЖ, «Kafolat rezina» МЧЖ ва “Жиззах пластмасса” АЖ корхоналарида синовдан ўтказилди ҳамда олинган тиокол олигомерларни юқори адгезияга эга, атмосфера ва агрессив муҳитларга чидамли тиокол герметиклар ишлаб чиқаришда қўллаш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.29.12.2018.Т.78.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ И ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ  
ТЕХНОЛОГИИ**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ИНСТИТУТ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**НОРМУРОДОВ БАХТИЁР АБДУЛЛАЕВИЧ**

**СИНТЕЗ МОДИФИЦИРОВАННЫХ ТИОКОЛОВЫХ ОЛИГОМЕРОВ  
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ**

**02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Термез-2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2019.2.PhD\Т1040 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.terstu.uz](http://www.terstu.uz) и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Тураев Хайит Худайназарович</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Икромов Абдувахоб</b> доктор технических наук, профессор <b>Каримов Масъуд Убайдулла ўгли</b> доктор технических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Институт общей и неорганической химии</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в «\_\_» часов на заседании Научного совета PhD.29.12.2018.Т.78.01 при Термезском государственном университете и Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии. (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрирована за №\_\_ ). Адрес: 90111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**А.Т. Джалилов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.х.н., профессор, академик

**С.З.Ходжамкулов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, к.т.н., доцент

**Х.Ч. Мирзакулов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире для создания герметизирующих и защитных покрытий несомненный интерес представляют полисульфидные олигомеры. Потребление отверждающихся герметиков в строительстве на сегодняшний день достигает более половины от общего объема их производства. Доля потребления герметиков на основе полисульфидных олигомеров в строительном секторе 70 %. Это обусловлено инвариантностью способов их отверждения, приемлемыми физико-механическими свойствами и агрессивностойкостью, широким интервалом температур эксплуатации вулканизатов.

На сегодняшний день во всем мире, уделяется внимание исследовательским работам, направленным на повышение качества и эффективности использования фосфор- и серосодержащих олигомеров и полимерных материалов. В этом аспекте определенный научный и практический интерес представляют реакционноспособные олигомеры, содержащие функциональные группы фосфора и серы. При этом фосфор и серосодержащие олигомеры могут быть эффективно использованы с целью получения высокоэффективных герметиков. Изучение процесса синтеза этих олигомеров, их физико-химические характеристики, а также возможные области применения и разработка технологии являются актуальными.

В Республике уделяется большое внимание производству продуктов химической промышленности, в частности производства полимерных материалов на основе азот, сера- и фосфорсодержащих олигомеров, обладающих комплексом физико-химических и механических свойств, которые служат в определенной степени для повышения их эффективности при использовании в области строительства. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определенные результаты, особенно, основанные на новых подходах, по разработке научных основ получения тиоколовых герметизирующих материалов с использованием фосфор- и серосодержащих олигомеров и осуществлены широкомасштабные мероприятия в области обеспечения внутреннего рынка импортозамещающими местными тиоколовыми герметиками. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»<sup>1</sup>. В этой связи приобретает важное значение создание высокоэффективных и экологически чистых технологий для получения герметизирующих материалов на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», № ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», № ПП-4256 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** Научным исследованиям по развитию синтеза и модификации каучукоподобных полимерных композиций были посвящены работы W. Mazurek, A.G. Morits, E.M. Fettes, M. Takashi, J.W. Barber, Ch. Brun, M. Morioka, Л.А. Аверко-Антоновича, П.А. Кирпичникова, Р.А. Смысловой, В.С. Минкина, Р.А. Шляхтера, Ф.Б. Новосёлока, П.П. Суханова, М.В. Беренбаума, Ю.Н. Хакимуллина, Р.Р. Валеева, Т.Ю. Мираковой, И.Э. Исмаева, А.Г. Ликумовича, Л.П. Лабутина, Г.М. Рахматуллиной, Р.Ш. Френкеля, Д.С. Иоффе, М.А. Аскарлова, А.Т. Джалилова, С.Н. Негматова, С.Ш. Рашидовой, Т.М. Бабаева, Ф.Н. Нуркулова и др.

Основные направления в развитии технологии герметизирующих материалов направлены на модификацию каучукоподобных полимеров для повышения эффективности строительных и промышленных композитов. Увеличение срока службы полимерных конструкций, улучшение их эксплуатационных качеств неотделимы от решения общей задачи дальнейшего повышения качества строительства и промышленных конструкций.

